

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

25-сон  
(109)  
2004 й.  
июнь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

285. «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва уининг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги 609-II-сон Қонуни

286. ««Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва уининг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2004 йил 29 апрелдаги 610-II-сон қарори

287. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-II-сон Қонуни

### *Учинчи бўлим*

288. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 июндаги 290-сон қарори

289. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест

маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сон қарори

*Бешинчи бўйим*

290. «Биржа котировкалари (кимошди савдолари) ўртача нархларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 25 майдаги 77, 33, 01/24-32-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 июнда 1372-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
291. «Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 74-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 июнда 1373-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
292. «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БҲМС) «Ижара ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 75-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 июнда 1374-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
293. «Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 12 майдаги 10-А / 3-сон қарори (янги тахрир). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 июнда 1010-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
294. «Ўзбекистон Республикаси нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 4 / 17-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 июнда 1122-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
295. «Республика театр ва томоша муассасалари биноларини чет ташкилотларга ижарага бериш ва ижара ҳақини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2004 йил 23 апрелдаги 01-06-09, 1, 65-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 июнда 1375-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
296. «Республика театр ва томоша муассасаларида чипталар бўйича ишларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 23 апрелдаги 01-06-10, 2, 66, 255-В-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 июнда 1376-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

*тон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 июнда 1376-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 19 июндан 25 июнгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

### **285    Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида**

#### **I. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳамда шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### **2-модда.    Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

##### **3-модда.    Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда тегишли ҳудудда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга.

##### **4-модда.    Фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиш ҳуқуқи**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрий ҳамда эркиндир. Фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида, шунинг

дек уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш хукуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиши хукуқларини бирон бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

**5-модда. Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиша ошкоралик**

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиша очик ва ошкора амалга оширилади.

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йифини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиф қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёнини ҳамда сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

**6-модда. Фуқаролар йифини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш**

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йифини томонидан, қонун хужжатларида назарда тутилган холларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

**7-модда. Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиша фуқаролар йифинларига кўмаклашишлари, зарур холларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашлари шарт.

**II. Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш**

**8-модда. Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиши муддатлари**

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиши муддатлари қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

**9-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш**

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳудудида тегишинча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (бундан бўён матнда комиссиялар деб юритилади) тузилади.

Комиссиялар тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даври учун тузилади.

Комиссиялар таркибиغا, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар комиссияга аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

**10-модда. Комиссияларнинг ваколатлари**

Комиссиялар:

ушбу Қонун ижро этилишини таъминлайди ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тегишли ишчи гурухларининг фаолиятини ўйналтириб боради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қиласди;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гурухларидан кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллари) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир хужжатларни қабул қилиб олади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига доир хужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гурухларининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлик масалаларга доир ахборотларини тинглайди;

тегишли худудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқаради;

фуқароларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари

сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга топширилишини таъминлайди.

Комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳини тузиш**

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йифини ёки унинг кенгаши қарори билан сайлов даври учун фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи (бундан буён матнда ишчи гуруҳи деб юритилади) тузилади.

Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йифинининг, тегишли худудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳи таркиби киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилади.

**12-модда. Ишчи гуруҳининг ваколатлари**

Ишчи гуруҳи:

фуқаролар йифини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилайди ҳамда йифин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли худудда яшовчи фуқароларни хабардор қиласди;

фуқаролар йифини иштирокчиларини рўйхатга олади;

тегишли худудда яшовчи ахолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди;

фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан ахоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг тақорорий сайлови ўтказилишини ташкил этади;

фуқароларнинг фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш учун фуқаролар йифинини (вакиллар йифилишини) чақириш**

Фуқаролар йифини (вакиллар йифилиши) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чақирилади ва ўтказилади.

Фуқаролар вакилларининг йифилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йифилиши қарори билан сайланадиган намояндадар вакил қилинадилар. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди.

**III. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатиш**

**14-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли худудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гурухи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайловдан камида ўн кун олдин топширилади.

**15-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга кўйиладигай талаблар**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли худудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётй тажрибага ва ахоли ўтасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

**16-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркибини белгилаш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

**17-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар тақдим этиш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

**IV. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида овоз бериш ҳамда натижаларни аниқлаш**

**18-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда овоз бериш шакллари**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади.

**19-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича саноқ комиссияси**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича

овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йифини томонидан камидан уч кишидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланади.

#### **20-модда. Очиқ овоз беришни ўтказиш тартиби**

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови очиқ овоз бериш орқали ўтказилаётганида овоз бериш ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, кўл кўтариш йўли билан ўтказилади.

#### **21-модда. Яширин овоз беришни ўтказиш тартиби**

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганида фуқаролар йифини иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан овоз бериш бюллетенлари берилади.

Яширин овоз бериш бюллетенига фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибida киритилади.

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенларини бериш бевосита овоз беришдан олдин бошлилади.

Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлаш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёхуд хонасида тўлдириллади. Овоз берувчи ўзи қарши овоз берайтган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган овоз бериш бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов кутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ комиссияси томонидан очилади.

#### **22-модда. Овозларни санаб чиқиш**

Овозлар саноқ комиссияси томонидан, фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади.

#### **23-модда. Саноқ комиссиясининг баённомаси**

Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси томонидан баённома тузилади.

Саноқ комиссиясининг баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

фуқаролар йифини иштирокчиларининг умумий сони;

овоз беришда қатнашган фуқаролар йифини иштирокчиларининг сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида бюллетенъ олган фуқаролар йифини иштирокчиларининг сони;

фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йифини томонидан тасдиқланади.

#### **24-модда. Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқариш**

Фуқаролар йифинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини

олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган хисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари бўйича фуқаролар йиғини карор қабул қиласи ҳамда мазкур карор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига топширади.

**25-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш**

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилик рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови чорида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**26-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайловида тақрорий овоз бериш**

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича тақрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида карор қабул қиласи. Тақрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Тақрорий овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган хисобланади.

**27-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси тақрорий сайлови**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси тақрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

тақрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси тақрорий сайлови ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда кўпи билан бир ойлик муддат ичидаги ўтказилади.

**28-модда. Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайлови**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган бўлса, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу Конунг талабларига риоя этилган холда янги сайлов ўтказилади.

**V. Якуний коидалар****29-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини органларини шакллантириш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини, шунингдек маъмурий комиссияни сайдайди.

**30-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари устидан шикоят қилиш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари юзасидан фуқаролар йиғини қабул қилган қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**31-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 апрель,  
609-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

## **286 «Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қиласи:**

1. «Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси хукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Фуқаролар йифини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталири ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 апрель,  
610-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## **287 Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг қўйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 76-модда; 1992 йил, № 9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда):

1) **1-моддасининг иккинчи қисмидаги «фондлар»** деган сўз чиқариб ташлансин;

2. **5-моддасининг бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

3. **18-моддаси:**

**тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий ҳаракатларнинг чет давлатлардан, халқаро ташкилотлар ҳамда чет давлатларнинг юридик шахсла-

ри, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, чет эл инвестициялари иштиро-кидаги корхоналардан, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлардан, номи яширилган ёки факат тахаллуси кўрсатилган шахслардан молиявий ва ўзгача моддий ёрдам олиши ман этилади. Бундай ёрдам олинган тақдирда мазкур маблағлар қайта-рилиши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказилиши лозим».

куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сиёсий партияларни молиялаштириш «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади»;

**бешинчи—еттинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи—саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

4. **19-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансан.

**II.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида**»ги Қонунинг 2000 йил 26 майдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 148-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда):

1) **6-моддасининг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олди-сотди ёки айирбошлаш обьекти бўлган товарлар, ишлар (хизматлар), ҳар қандай мол-мулкка, шу жумладан қимматбаҳо қофозлар, валюта қимматликларига, электр, иссиқлик энергияси ва бошқа турдаги энергияга, транспорт воситаларига, интеллектуал мулк обьектларига нисбатан, ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланилиши қонун хужжатлари билан тақиқланганларини истисно этганда, ташқи иқтисодий фаолият амалга оширилиши мумкин»;

2) **11-моддаси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«11-модда. Ташқи савдо фаолияти**

Ташқи савдо фаолияти халқаро товарлар, ишлар (хизматлар) савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир.

Ташқи савдо фаолияти товарларни, ишларни (хизматларни) экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан уларни қайта олиб кириш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб чиқиб кетилиши, агар қонун хужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, товарлар экспортидир.

Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига уларни қайта олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб кирилиши товарлар импортидир.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш), уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан қатъи назар, ишлар (хизматлар) экспортидир.

Хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси томонидан Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси учун ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш), уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан қатъи назар, ишлар (хизматлар) импортидир»;

3) **24, 25 ва 26-моддалари** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«24-модда. Мухофаза чоралари**

Товар импортининг кўпайғанлигига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан мухофаза чоралари қўлланилиши мумкин.

Мухофаза чораларининг қўлланилиш тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

**25-модда. Антидемпинг божлари**

Демпинг нархларидаги товар импортига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан антидемпинг божлари қўлланилиши мумкин.

Антидемпинг божларининг қўлланилиш тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

**26-модда. Компенсация божлари**

Субсидия билан таъминланган товар импортига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан компенсация божлари қўлланилиши мумкин.

Компенсация божларининг қўлланилиш тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади».

**III.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 80-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда) **9-моддасининг матнидаги** «давлат ва жамоат ташкилотлари» деган сўзлар «давлат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари» деган, «жамоат ташкилотлари, комиссиялари» деган сўзлар «жамоат бирлашмалари ва комиссиялар» деган, «жамоат фондлари ва бошқа» деган сўзлар эса «ҳамда бошқа» деган сўзлар билан алмаштирилсун.

**IV.** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «**Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиши ҳақида**»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 3, 157-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 121-модда) **4-бандидаги** «20» рақами «ўн» деган сўз билан алмаштирилсун.

**V.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Табиатни мухофаза қилиш тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда) **35-моддасининг учинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Табиатни мухофаза қилиш жамоат фондлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади ва ўз фаолиятини амалга оширади».

**VI.** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул

қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 332-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 120-модда):

**2-бандидаги** «2005 йил» деган сўзлар «2010 йилнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**10-бандидаги** «2005 йилнинг» деган сўзлар «2010 йилнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**VII.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар, 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) ўзбекча матнининг **36-моддаси иккинчи қисмидағи** «иши тўхтатилган», «ишини тўхтатиш» деган сўзлар тегишинча «иши тугатилган», «ишини тугатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**VIII.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Конунинг янги таҳририни амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 258-модда) **2-бандидаги** «лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтилган пайтдан, яъни» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**IX.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **75-моддаси** қўйидаги таҳрида баён этилсин:

#### **«75-модда. Жамоат фондлари**

Фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар кўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади.

Жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият килувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат фондининг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади. Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан ўз уставида белгиланган мақсадларга тўғри келадиган доирада шуғулланиши мумкин. Фонднинг тижорат ташкилотлари устав фондидаги (устав капиталидаги) иштироки қонун ҳужжатларидаги белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамоат фонди ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот эълон қилиб бориши шарт.

Жамоат фондини бошқариш тартиби ва унинг органларини шакллантириш тартиби унинг уставида белгиланади.

Жамоат фондининг уставида ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртингчи қисмида кўрсатилганидан ташқари қўйидаги маълумотлар бўлиши керак: фонд органларининг тузилиши, ваколатлари ва шакллантирилиш тартиби; фонд органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш (сайлаш) ва лавозимидан озод қилиш тартиби; фонднинг мол-мулкини шакллантириш манбалари; фонднинг, унинг ваколатхоналари ҳамда филиалларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги хукуқ ва мажбуриятлари; фонд ваколатхоналарини очиш ва филиалларини ташкил этиш тартиби; фондни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби; фонд тугатилган тақдирда унинг мол-мулкидан фойдаланиш тартиби; фонд уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Жамоат фондининг уставида фонднинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган рамзий белгисининг тавсифи, шунингдек қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Жамоат фондлари хукуқий ҳолатининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади».

**X. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 299-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда):**

1) **13-моддаси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«13-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиши учун, сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Фракциялар фракциянинг раҳбари берган тегишли ариза ва таъсис ҳужжатларига асосан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияси қўйидаги хукуқларга эга:

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда иштирок этиш;

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;

тегишли равиша Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, шунингдек бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиш;

Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Сиёсий партия фракциясининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Кенгаши таркибига киради.

Фракцияларнинг фаолиятига ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг девони томонидан таъминланади»;

2) **15-моддаси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«15-модда. Сиёсий партиялар мулки**

Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, нашриётлар, транспорт воситалари, шунингдек уставида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бошқа мол-мулк сиёсий партияларнинг мулки бўлиши мумкин.

Сиёсий партияларни молиялаштириш «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Сиёсий партиялар факат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Сиёсий партиянинг тадбиркорлик фаолияти натижалари унинг молиявий хисоботида акс эттирилиши керак.

Сиёсий партияларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари партия аъзолари ўтасида тақсимланиши мумкин эмас ва улардан факат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилиб боради ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда хисбот тақдим этади.

Сиёсий партияларнинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади»;

3) **16-моддаси** чиқариб ташлансин.

**XI.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган **«Товарищества ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 112-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **3-моддаси иккинчи қисмининг ўн бешинчи хатбошисидаги «Бизнес-фонд»** деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**XII.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга иловга, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда):

1) **12-моддаси биринчи қисмининг 1-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, почта манзили ўзгарган тақдирда эса (нотижорат ташкилотлар қайта рўйхатдан

ўтказилган тақдирда ҳам), бу ҳақда солиқ органларини ўн кунлик муддат ичидаги ёзма равишда хабардор этиш»;

2) **58-моддаси** қўйидаги мазмундаги «**ц** **банд** билан тўлдирилсин:

«**ц**) хусусий корхона томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин хусусий корхона мулкдори ихтиёрига келиб тушадиган фойда суммаси»;

3) **67-моддасининг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти, товарларнинг импорти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажариладиган ишларнинг (кўрсатиладиган хизматларнинг) импорти қўшилган қиймат солиғи солинадиган обьект хисобланади»;

4) **72-моддаси:**

**иккинчи ҳатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариладиган ишларнинг (кўрсатиладиган хизматларнинг) эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортига, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига етказиб берилишига»;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи ҳатбоши** билан тўлдирилсин:

«божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича эркин конвертация қилинадиган валютада бажариладиган ишларга (кўрсатиладиган хизматларга);

5) **126-моддасининг:**

**биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **биринчи—учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган тижорат ташкилотлари ва жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилаётганда уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда идентификация рақами берилади.

Давлат рўйхатига олинган нотижорат ташкилотлари рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан ўн кун ичидаги солиқ органларига идентификация рақами олиш учун мурожаат қиласи.

Норезидентлар (шу жумладан тегишли давлат органларида аккредитация қилинган норезидентлар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият бошлаганидан эътиборан ўн кун ичидаги солиқ органларига хисобга туриш ва идентификация рақами олиш учун мурожаат қиласи»;

**иккинчи—тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи—олтинчи қисмлар** деб хисоблансан;

6) **135-моддасининг биринчи қисми:**

**1-бандининг биринчи ҳатбоиси** «(шу жумладан норезидентларнинг)» деган сўзлардан кейин «резидент тижорат ташкилотларини истисно этганда,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**2-банди** чиқариб ташлансан.

**XIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Бож тарифи тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда):

1) **3-моддасининг иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида импорт божи, экспорт божи, мавсумий ва алоҳида (махсус, антидемпинг, компенсация) бож қўлланилади.

Алоҳида божларнинг қўлланилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

2) **8, 9, 10** ва **11-моддалари** чиқариб ташлансин.

**XIV.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **35-моддасининг учинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳукуқларини давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳукуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар ҳам илова этилган ариза келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

**XV.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган «**Давлат ер кадастри тўғрисида**»ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) **13-моддасининг бешинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳукуқларини давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳукуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар ҳам илова этилган ариза келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

**XVI.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда) **15-моддасининг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Яшаш учун яроқли бўлган турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказишга ўйл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда, турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказиш мулқорнинг ёки у ваколат берган органнинг (шахснинг) аризасига кўра туманлар ва шаҳарлар хокимларининг қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади».

**XVII.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**»ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда) **10-моддаси:**

**Биринчи қисми** «амалга оширилиши мумкин» деган сўзлардан кейин «хусусий корхоналар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хусусий корхоналар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

**XVIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «**Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида**»ги Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда):

1) **1-моддасининг матни** «чет эл» деган сўзлардан олдин «халқаро ҳамда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **8-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** «солик» деган сўздан олдин «рўйхатдан ўтказувчи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **9-моддаси** қўйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхонала-ри ва филиаллари юридик шахслардир»;

4) **12-моддаси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### «12-модда. Жамоат фонди

Жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар кўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдалари мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади.

Жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат фондининг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилди.

Жамоат фонди ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот эълон қилиб бориши шарт»;

5) **21-моддаси:**

**иккинчи қисми** «чет эл» деган сўзлардан олдин «халқаро ҳамда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини белгиланган тартибда аккредитация қилишни амалга оширади»;

**тўртинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансан ва ундаги «устав мақсадларига» деган сўзлар «уставда белгиланган мақсадларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **22-моддасининг бешинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхонала-ри ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ваколатхона ёки филиалнинг асосий мақсадлари ҳамда фаолият кўрсатиш муддати, шунингдек ходимларининг сони чегараси ҳам кўрсатилган ариза рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади. Аризага асосий ташкилотнинг раҳбарлик қилувчи марказий органи томонидан тасдиқланган қўйидаги ҳужжатлар икки нусхада илова қилинади:

асосий ташкилотни тузиш мақсадлари ва вазифалари кўрсатилган ҳолда уставнинг ҳамда рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг белгиланган тартибда легаллаштирилган нусхалари;

асосий ташкилотнинг Ўзбекистон Республикасида ваколатхона очиш ёки фи-

лиал ташкил этиш тўғрисидаги қарори (баённомаси), унда ваколатхона очишга (филиал ташкил этишга), унинг низомини тасдиқлашга, раҳбарини (раҳбарларини) тайинлашга оид белгиланган тартибда легаллаштирилган маълумотлар бўлиши керак;

ваколатхона ёки филиал тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган, уни очишдан (ташкил этишдан) кўзланган мақсадлар ва вазифалар ҳам кўрсатилган, ўзбек ва рус тилларидаги низом (устав);

асосий ташкилот томонидан ваколатхона ёки филиал раҳбарига берилган белгиланган тартибда легаллаштирилган ишончнома;

асосий ташкилот фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда легаллаштирилган ахборот;

ижара га берувчининг тегишли биноларни ваколатхона ёки филиалга бериш тўғрисидаги розилик хати;

рўйхатга олганлик учун йиғим тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати;

ваколатхона ёки филиалнинг раҳбари ҳамда ходимлари тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, касби, яшаш жойи ҳамда телефон рақами кўрсатилган ҳолда;

ваколатхона ёки филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида белгиланган шаклдаги декларация»;

### 7) 30-моддаси:

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда бундай ваколатхоналарнинг (филиалларнинг) ходимлари Ўзбекистон Республикаси худудида бирон бир сиёсий фаолиятда ва ваколатхона ёки филиалнинг уставда белгиланган мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа фаолиятда иштирок этишга ҳақли эмас. Уларнинг сиёсий партиялар ҳамда оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган амалий ҳаракатлар ва тадбирларни молиялаштиришига, шунингдек бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқишига ҳамда шундай ташкилотлар тузишни кўллаб-куватлашига йўл қўйилмайди»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансан;

8) 33-моддаси «статистика ва солиқ» деган сўзлар «рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XIX.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Архивлар тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 120-модда):

1) **4-моддасининг олтинчи қисмидаги, 7-моддасининг иккинчи қисмидаги, 8-моддасининг иккинчи қисмидаги, 14-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 15-моддасининг учинчи қисмидаги, 16-моддасининг матнидаги ва 19-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Бош архив бошқармаси», «Бош архив бошқармасининг» деган сўзлар тегишли келишикдаги «Ўзархив» агентлиги деган сўзлар билан алмаштирилсан;

### 2) 11-моддасининг:

**биринчи қисмидаги** «улар тузадиган» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

**иккинчи қисми** куийидаги таҳрирда баён этилсан:

«Архив ишини бошқариш ваколатли давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалариридир».

**XX.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбе-**

**қистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 217-модда):**

1) **9-моддасининг иккинчи қисмидаги ва 17-моддасининг биринчи қисмидаги** «Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмитанинг» деган сўзлар «Миллий хавфсизлик хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмита» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **26-моддасининг матни** «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлардан олдин «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **28-моддасининг тўртинчи хатбошиси** «вазирликлар» деган сўздан кейин «давлат қўмиталари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **29-моддаси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«29-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегарасини химоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати:

Давлат чегарасини химоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

Давлат чегараси химоя қилиниши ва қўриқланишини таъминлайди;

чегара қўшинларини бошқаришни амалга оширади;

давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Давлат чегарасини химоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

Давлат чегараси хавфсизлигига таҳдидлар тўғрисида белгиланган тартибда ахборот тақдим этади;

разведка, контрразведка ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширади;

белгиланган тартибда контрабандага қарши кураш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Давлат чегарасини химоя қилиш ва қўриқлаш соҳасида бошқа давлатларнинг тегишли чегара идоралари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

Давлат чегараси чизигининг ўтишини белгилашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Давлат чегарасини химоя қилиш ва қўриқлашга доир қисмини шакллантириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритади;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади»;

6) **31-моддаси** чиқариб ташлансин.

**XXI. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда):**

1) **11-моддасининг биринчи қисмидаги иккинчи жумла** чиқариб ташлансин;

2) **12-моддаси** чиқариб ташлансин;

3) **39-моддаси:**

**Биринчи қисми** «амалга оширилиши мумкин» деган сўзлардан кейин «хусусий корхоналар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин; қуидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хусусий корхоналар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, конун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

**учинчи—саққизинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи—тўққизинчи қисмлар** деб хисоблансан.

**XXII.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Терроризмга қарши кураш тўғрисида**»ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 15-модда):

1) **8-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

2) **9-моддаси** қуидаги таҳрирда баён этилсан:

**«9-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати:

террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш йўли билан терроризмга, шу жумладан ҳалқаро терроризмга қарши курашни амалга оширади;

террорчилар, террорчилик гурухлари ва террорчилик ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ҳамда таҳлил қиласи, улардан келиб чиқаётган таҳдиднинг миллий хавфсизликка қай даражада хавфли эканлигини баҳолайди, тегишли вазириклар, давлат қўмиталари ва идораларга зарур ахборотлар тақдим этади;

террорчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришидан Давлат чегарасининг ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив, биологик, шунингдек кимёвий ёки бошқа заҳарловчи моддаларнинг, террорчилик харакатини содир этиш мақсадида ишлатилиши мумкин бўлган предмет ёки материалларнинг ноқонуний олиб ўтилиши олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш чораларини кўради;

чегара олди минтақасида ва чегара олди зonasида террорчиларни, террорчилик гурухларини аниқлайди, заарасизлантиради, қаршилик қўрсатилган тақдирда эса уларни йўқ қилиш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва категорияланган обьектларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган давлат муассасаларини, ушбу муассасаларнинг ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, шунингдек чет эл давлатлари, хукуматлари бошлиқлари ва ҳалқаро ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган даврда мазкур давлат (хукумат) бошлиқлари ва ҳалқаро ташкилот раҳбарларининг хавфсизлиги ҳамда қўриқланишини таъминлайди;

ҳалқаро терроризмга қарши кураш соҳасида чет эл давлатларининг тегишли органлари ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи;

террорчиликка қарши курашувчи бўлинмаларнинг террорчиларни, террорчилик

гурухларини аниқлаш, заарсизлантириш ва йўқ қилиш ҳамда террорчилик ташкилотларини тугатиш ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

- конун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади»;
- 3) **11-моддаси** чиқариб ташлансин.

**XXIII.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Курилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида**»ги Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 21-модда):

1) **2-моддасининг матнидаги** «курилиш ва бинокорлик материаллари саноати соҳасидаги» деган сўзлар «лойихалаш ва курилиш, шунингдек бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **3-моддасининг биринчи қисмидаги** «худудида жойлашган лойихалаш, курилиш-монтаж ишларини бажарувчи» деган сўзлар «худудида лойихалаш, курилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **7-моддасининг биринчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Объектларни давлат экспертизаси томонидан лойиха-смета хужжатлари, жумладан иш хужжатлари хусусида берилган ижобий хulosасиз, шунингдек давлат архитектура-курилиш назорати органлари рўйхатидан ўтказмасдан ва уларнинг рухсатномасиз қуриш —

энг кам иш хақининг етмиш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

**XXIV.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган «**Максус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида**»ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 82-модда) **12-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита билан» деган сўзлар «Миллий хавфсизлик хизмати билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XXV.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида**»ги Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 180-модда) **5- ва 8-моддаларидаги** «Бош архив бошқармаси», «Бош архив бошқармасининг» деган сўзлар тегишли келишикдаги «Ўзархив» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XXVI.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «**Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асилилк даражаси ва тамғаланиши тўғрисида**»ги Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 17-модда) **7-моддаси** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«7-модда. Ваколатли давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлигининг Давлат асилилк даражасини белгилаш палатаси (бундан бўён матнда Асилилк даражасини белгилаш палатаси деб юритилади) қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асилилк даражасини аниқлаш ва тамғалаш соҳасидаги ваколатли давлат органидир.

Асилик даражасини белгилаш палатаси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланади».

**XXVII.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 63-модда):

1) **14-моддаси учинчи қисмининг бешинчи хатбоиси** қуидаги мазмундаги **хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«шаҳарсозлик хужжатлари амалга оширилиши бўйича муаллифлик назорати олиб борилишини таъминлашлари;

асос бўлувчи ва рухсат берувчи хужжатлар ўз вақтида тайёрланишини ва шаҳарсозлик хужжатлари тасдиқланишини таъминлашлари шарт»;

2) **15-моддасининг учинчи қисми** қуидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчилар:

конун хужжатларига мувофиқ шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлашлари;

ўзлари ишлаб чиқсан шаҳарсозлик хужжатларини барча манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан белгилangan тартибда келишиб олишлари шарт.

Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчилар зиммасида конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

3) **25-моддасининг учинчи хатбоиси** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик тўғрисидаги конун хужжатлари талабларига, белгилangan шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, давлат стандартларига, қурилиш ишлари, бинокорлик материаллари ва буюмлари сифати ҳамда технологияларига риоя этишлари устидан назоратни амалга оширади».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 апрель,  
621-II-сон

## УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **288 «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармонига мувофиқ ҳамда республика иқтисодиёти тармоқларини ва аҳолисини энергия билан узлуксиз таъминлаш, республиканинг энергетика ва кўмир тармоқларини бошқариш тузилмасини янада такомиллаштириш, уларни барқарор ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш, электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сотиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 февралдаги ПФ-2812-сон Фармонида белгиланган энергетика соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий принциплари ва устувор йўналишларини амалга ошириш «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштиришнинг энг муҳим мақсадли вазифалари хисоблансин.

2. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон энергетика тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг қабул қилинган бош дастурига мувофиқ энергетика тармоғи корхоналарини монополиядан чиқариш, хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада ривожлантириш, тармоқнинг энергия ишлаб чиқаришни (ИЭС, ГЭС, ИЭМ), уни етказиб беришни (магистраль электр тармоқлари) ва сотишни таъминловчи корхоналари функцияларини аниқ белгилаш, уларнинг ўзаро боғлиқ, мутаносиб ва ўзаро узвий ҳамкорлиги бўйича ишларни изчил амалга оширсин.

Бунда тармоқнинг лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш корхоналари ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилсин.

Электр энергетикасида ялпи харажатларни янада камайтириш, республика кўмир ресурсларидан оқилона фойдаланиш, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг энергетика қувватлари ва кўмир саноатининг мутаносиб ривожлантирилишини таъминлаш учун «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятига аниқ ёрдам кўрсатилсин, бунда жадал муддатларда уни замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция килиш назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тармоқдаги электр энергетикаси корхоналарини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани хусусийлаштириш ва акциялаштириш бўйича ишлар суст амалга оширилаётганлиги қайд қилиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда:

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 февралдаги 93-сон қарорида хамда 2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш-

нинг тасдиқланган дастурида белгиланган энергетика тармоғи обьектларини хусусийлаштириш бўйича топшириқларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминласинлар;

икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига, хусусийлаштириш тўғрисида, уни ўтказиш муддатларини, электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналарини (ИЭС, ГЭС, ИЭМ) кўрсатган ҳолда таклифлар киритсинлар.

4. Куйидагилар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика иқтисодиёти ва ахолисини электр энергияси ва кўмир билан барқарор таъминлаш, республика энергия тизими иш режимларини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш;

электр энергетикасини ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узок муддатли прогнозларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, электр энергияси ҳамда кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантиришда қатнашиш;

замонавий асбоб-ускуналар ва илгор технологиялар негизида, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига ишлаб чиқарувчи кувватларни ва электр тармоқларини, кўмир саноати корхоналарини реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантиришни амалга ошириш;

кўмир тармоғида геология-кидирув ишларини мувофиқлаштириш, кўмир конларини очиш ва қазиб олишнинг самарали тизимлари ва методларини жорий этиш, уни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ундан электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда устун даражада фойдаланиш, энергиянинг тикланаётган, шу жумладан ноанъанавий манбаларини ривожлантириш ва жорий этиш;

республика корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда электр энергияси ва кўмурни тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларнинг исроф бўлишини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, тармоқ корхоналарига ички ва ташкизи бозорларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг рақобатга бардошли янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, уларнинг жаҳон бозорларига чиқишида кўмаклашиш;

компаниянинг ташкилий тузилмасига кирадиган корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

электр энергетикаси ва кўмир саноати кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

5. Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг:

электр энергиясини узатиш ва электр узатиш линияларидан ҳамда ёрдамчи станциялардан фойдаланиш билан шуғулланувчи магистраль электр тармоқларининг худудий филиалларини қайта ташкил этиш ва улар негизида «Ўзэлектртармоқ» ягона унитар корхонасига бирлаштирилган 5 та зонал филиаллар ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Бунда уларнинг асосий мақсади — электр энергияси истеъмолчиларига барқарор ва узлуксиз хизмат кўрсатиш ва энергия тармоқларининг техник жиҳатдан тайёрлигини доимо юкори даражада сақлаш эканлиги;

«Ўзэнергиялока» ва «ЭнергоАБТсозлаш» корхоналарини «Ўзэлектртармоқ» унитар корхонаси филиаллари этиб қайта ташкил этиш;

«Ўзнергиясотиш» корхонасини «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси филиалига айлантириш;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясини таркибий қайта ўзгартириши давом эттириш бўйича 1-иловага мувофик қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

#### 6. Қўйидагилар:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофик;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг ходимларнинг чекланган умумий сони 63 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 55 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 3-иловага мувофик;

«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинмалардан иборат ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофик;

«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг ходимларнинг чекланган умумий сони 154 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 124 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 5-иловага мувофик маъкуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти билан биргаликда 2004 йил 1 октябргача, белгиланган тартибда:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг устав фондини акцияларнинг 6-иловага мувофик давлатга тегишли пакетларини (улушларни) бериш хисобига кўпайтирсин;

«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг устав фондини унга «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятига 7-иловага мувофик унинг филиаллари сифатида бирлаштириладиган акциядорлик жамиятларининг соф активларини киритиш хисобига кўпайтирсин, шунингдек «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилишини ва унинг акциялари эмиссияси проспекти рўйхатдан ўтказилишини таъминласин;

қайта ташкил этилаётган корхоналар акциялари пакетларининг таркибига мазкур корхоналар кирадиган акциядорлик жамиятлари акцияларига алмаштирилишини, шунингдек акцияларнинг давлатга тегишли пакетларини, улар профессионал бошқарувчи компанияларга танлов асосида бериладиган давргача ишончли бошқарувга берилишини 8-иловага мувофик таъминласин;

енергетика тармоғи корхоналарининг устав сармояларини ушбу қарорга мувофик ўзгартириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари балансига балансдан текин бериладиган ва қабул қилинадиган ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий фондлар қиймати даромад (фойда) солиғи ва қўшилган қиймат солиғи солиши обьекти хисобланмайди.

9. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси кенгаси янги таҳрирдаги уставни тасдиқласин ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.

10. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштириш учун 9-иловага\* мувофик таркибда ишчи комиссия тузилсан.

Ишчи комиссия 2004 йилнинг 1 октябригача «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси ташкилий тузилмасини тако-

---

\* 9-илова берилмайди.

миллаштириш юзасидан мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси кўмир саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 27 майдаги 271-сон қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 10-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 июнь,  
290-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 21 июндаги 290-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясини таркибий ўзгартириши давом эттириш чора-тадбирлари рўйхати**

1. 35 ва 110 киловольтли тақсимлаш тармоқларини «Ўзэлектртармоқ» корхонаси балансидан элекстр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича минтақавий корхоналар балансига бериш.

2. «Ўзэлектртармоқ» корхонасининг Андижон ва Самарқанд филиаллари таркибига кирувчи ГЭС каскадларини «Тошкент ГЭСлари каскади» корхонаси балансига бериш.

3. «Шахрисабз элекстр тармоқлари» очик акциядорлик жамиятини «Қашқадарё элекстр тармоқлари» очик акциядорлик жамиятига бирлаштириш йўли билан қайта ташкил этиш.

4. «Ўзэнергиясотиш» корхонасини, унинг ходимлари сонини қўшган ҳолда, филиал сифатида «Ўзбекэнерго давлат-акциядорлик компаниясига бирлаштириш йўли билан қайта ташкил этиш.

5. «Кўмир» акциядорлик бирлашмасини, акциялар пакетининг 51 фоизини давлат тасарруфифда сақлаб қолган ҳолда «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятига айлантириш.

6. «Кон-технология асбоб-ускуналарини таъмирлаш заводи», «Кўмирқурилиш», «Кўмирэнерго», «Белазкўмир» ва «Алоқакўмир» очик акциядорлик жамиятларини «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятига унинг филиаллари сифатида бирлаштириш йўли билан қайта ташкил этиш.

7. «Бойсункўмир» очик акциядорлик жамиятини «Шарғункўмир» очик акциядорлик жамиятига бирлаштириш йўли билан қайта ташкил этиш.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 21 июндаги 290-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### «Ўзбекенерго» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси




УК — унитар корхона  
ОАЖ — очик турдаги акциядорлик жамияти  
ЭТ — электр тармоғи  
МЭТ — магистрал электр тармоғи  
МЧЖ — масъулития чекланган жамият  
ЭТК — электр тармоғи корхоналари

\* — умумий мажлис ва кузатув кенгаси функцияларини бажаради.

\*\* — «Ўзбекенерго» ДАК филиали


Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 21 июнданги 290-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси



Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 21 июндаги 290-сон қарорига  
4-ИЛОВА


**«Ўзбеккўмир» очик турдаги акциядорлик жамиятининг  
ташкилий тузилмаси**



\* давлатга тегишли акциялар пакети танлов асосида  
профессионал бошқарувчи компанияларга берилгунга қадар

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 21 июндаги 290-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**«Ўзбеккўмир» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ижро этувчи  
аппаратининг тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 21 июнданги 290-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Акцияларниг давлатга тегишли пакетлари (улуси)  
«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси устав фондига  
бериладиган очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ва  
корхоналар рўйхати**

T/p	Корхоналар номи	«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси устав фондига бериладиган акциялар пакети (улуси), фоизларда	Жойлашган ўрни
1.	«Ўзбеккўмир» ОАЖ	26	Тошкент шаҳри
2.	«Ўзбекгидроенергокурилиш» ОАЖ	51	Тошкент шаҳри
3.	«Ўзбекнерготаъмир» ОАЖ	51	Тошкент шаҳри
4.	«Ўзэнерготаъмилаш» ОАЖ	51	Тошкент шаҳри
5.	«Ходимлар тайёллаш маркази» МЧЖ	51	Тошкент шаҳри
6.	«Гидролойиха» ОАЖ	25	Тошкент шаҳри
7.	«ОРГРЭС» ОАЖ	25	Тошкент шаҳри
8.	«Энерготаъмир» ИТК ОАЖ	25	Тошкент шаҳри
9.	«Электрқишлоқкурилиш» ОАЖ	25	Тошкент шаҳри
10.	«Қишлоқэлектркурилиш» ОАЖ	25	Самарқанд вилояти
11.	«Электртармоқкурилиш» ОАЖ	25	Тошкент шаҳри
12.	«Махсусэлектртармоқкурилиш» ОАЖ	25	Тошкент шаҳри
13.	«4-Монтаж бошқармаси» ОАЖ	25	Тошкент шаҳри
14.	«Гидромахсускурилиш» ОАЖ	25	Тошкент шаҳри
15.	«Энергоимпэкс» ОАЖ	25	Тошкент шаҳри
16.	«Энергомахсусавто» ОАЖ	25	Тошкент шаҳри
17.	«Иссикликелектрлойиҳа» ОАЖ	17	Тошкент шаҳри

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 21 июнданги 290-сон қарорига  
7-ИЛОВА

**Соф активлари «Ўзбеккўмир» ОАЖ устав фондига  
бериладиган тугатилаётган очиқ турдаги акциядорлик  
жамиятлари рўйхати**

1. «Кўмирэнерго» ОАЖ
2. «Кон-технология асбоб-ускуналарини таъмирлаш заводи» ОАЖ
3. «Белазкўмир» ОАЖ
4. «Кўмирқурилиш» ОАЖ
5. «Алоқакўмир» ОАЖ

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 21 июндаги 290-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**I. Корхоналар ва ташкилотларнинг қайта ташкил этилишини  
ҳисобга олган ҳолда акциядорларига акциялар алмаштириб  
бериладиган корхоналар ва ташкилотлар**

T/p	Қайта ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари номи	Акцияларига алмаштириб бериладиган акциядорлик жамиятлари номи
1.	«Шахрисабз электр тармоқлари» ОАЖ	«Қашқадарё электр тармоқлари» ОАЖ
2.	«Кон-технология асбоб-ускуналарини таъмирлаш заводи» ОАЖ «Кўмирқурилиш» ОАЖ «Кўмирэнерго» ОАЖ «Белазкўмир» ОАЖ «Алокакўмир» ОАЖ	«Ўзбеккўмир» ОАЖ
3.	«Бойсункўмир» ОАЖ	«Шарғункўмир» ОАЖ

**II. Акцияларининг давлатга тегишли пакетлари улар танлов  
асосида профессионал бошқарувчи компанияларга берилгунга  
қадар ишончли бошқарувга бериб қўйиладиган акциядорлик  
жамиятлари:**

T/p	Акциядорлик жамияти номи	Устав фондидағи давлатга тегишли улуш миқдори, %	Акцияларнинг давлатга тегишли пакети ишончли бошқарувга бериладиган ташкилот
1.	«Ўзбеккўмир» ОАЖ	25	«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси
2.	«Еростигаз» ОАЖ	25	«Ўзбеккўмир» ОАЖ

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 21 июндаги 290-сон қарорига  
10-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 24 февралдаги 93-сон қарорида:
  - а) 1-банднинг иккинчи ва учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
  - б) 4-бандда:  
учинчи хатбошидаги «шўъба» сўзи «унитар» сўзи билан алмаштирилсин;  
тўртинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;
  - бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:  
«электр энергияси сотиш миқдоридан (уни етказиб бериш бўйича хизматлар-

дан) Республика йўл жамғармасига ва Пенсия жамғармасига тўловлар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг корхоналари томонидан электр энергияси ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган ставкалар бўйича фақат охириги искеъмолчиларга электр энергиясини сотиш миқдори қисмига амалга оширилади»;

в) 6-банднинг учинчи хатбошидаги «7» рақами «6» рақами билан, «6» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

иолова номидан «шўъба» сўзи чиқариб ташлансин;

бешинчи устуннинг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси активларида сақланадиган улуш, \* фоизларда»;

изоҳ қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«\*) акцияларнинг қолган пакетлари уларни инвесторларга сотгунга қадар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси активлари хисобланади;

д) 5-иловада:

бешинчи устуннинг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси активларида сақланадиган улуш, \* фоизларда»;

1-бўлимдан олтинчи сатр (Шахрисабз ЭТК) чиқариб ташлансин;

2 ва 3-бўлимлар ўз кучини йўқотган деб хисоблансан;

изоҳ қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«\*) акцияларнинг қолган пакетлари уларни инвесторларга сотгунга қадар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси активлари ҳисобланади. Бунда акциядорлик жамиятининг устав фондидаги 5 фоизгача акциялар меҳнат жамоасига сотилиши назарда тутилади»;

е) 9-иловада:

иолова номидан «шўъба» сўзи чиқариб ташлансан;

8, 9 ва 11-позициялар ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

2. Вазирлар Махкамасининг «Қўмир» акциядорлик бирлашмаси тузилмасини такомиллаштириш ва 2002—2010 йилларда республика қўмир саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 4 июндаги 196-сон қарори 2-банднинг тўртинчи хатбоши, 3 ва 6-бандлар ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

3. Вазирлар Махкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорида:

а) 3-иловада:

«Қўмир» акциядорлик бирлашмаси» сўzlари «Ўзбекқўмир» очик турдаги акциядорлик жамияти» сўzlари билан алмаштирилсан;

куйидаги таҳрирдаги 46-1-позицияси қўшилсан:

46-1	9	«Ўзбекқўмир» ОАЖ	Тошкент шаҳри	26,0	25,0	***
------	---	------------------	---------------	------	------	-----

39—43, 45, 46-позициялардаги олтинчи устундан «25,0» рақами бешинчи устунга ўтказилсан;

52, 53, 55-позициялар ўз кучини йўқотган деб хисоблансан;

изоҳга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсан:

«\*\*\*\* сотиладиган акциялар пакети, «Ўзбекқўмир» очик турдаги акциядорлик жамиятига унинг филиаллари сифатида бирлаштириладиган акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетлари алмаштирилгандан кейин аниқланади»;

6) 4-иловада:

109—113-позициялардаги «51,0» рақами олтинчи устундан бешинчи устунга ўтказилсин;

122, 124—126-позициялар ўз кучини йўкотган деб хисоблансин;

123-позициядаги «Шарғун» шахтаси» сўзлари «Шарғункуймир» ОАЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Махкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари меморандумини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 сентябрдағи 395-сон қарорига 1-иловадаги 12 ва 14-позициялар чиқарип ташлансин.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **289 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органдарни тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонини бажариш юзасидан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Давлат тест марказига абитуриентларнинг олий ўқув юртларига сифатли қабул қилинишини таъминлаш, мутахассисларни, шунингдек таълимнинг барча турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини тайёрлаш сифатини, республика таълим муассасаларида тест ва рейтинг балларининг холисоналигини назорат қилиш юзасидан жавобгарлик юклансин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишда тест синови орқали танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлиги холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

абитуриентлар, ўқувчилар, талабалар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига ва давлат талбларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

тест синови натижаларининг холисоналиги, ишончлилиги ва адолатлилигини таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимида банд бўлган педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функцияларини бажариш;

хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этиш ва ностирификациялаш (тengлигини аниқлаш) тартиби амалга оширилишини ташкил этиш ва таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси 1 ва 2-илловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ходимларининг чекланган умумий сони 104 нафар этиб, шу жумладан бошқарув ходимлари — 89 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорига, зарурат бўлганда, Марказ тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсан.

#### 5. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 14 майдаги 258-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 5-сон, 28-модда) 3 ва 5-бандлари, 6-бандининг биринчи хатбоши ва 7-банди ҳамда ушбу қарорга 3-илованинг 3-банди тўққизинчи хатбоши, шунингдек 4 ва 5-иловалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 11 марта даги 109-сон қарори 1-бандининг иккинчи—еттинчи хатбоши, 3 ва 6-бандлари ҳамда мазкур қарорга 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 24 июнь,  
293-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 24 июня даги 293-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) давлат бошқарув органи хисобланади.

Марказ ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хисоб беради.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фар-

моишиларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Марказ ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Марказ фаолиятини молиялаштириш, шунингдек ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш Марказга ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

5. Марказ юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## **II. Марказнинг вазифалари ва функциялари**

6. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

республика таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишда тест синови орқали танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлиги холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

абитуриентлар, ўқувчилар, талабалар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига ва давлат талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

қобилиятли ёшларни излаш ва танлаш тизимини такомиллаштириш;

мураккаблик даражаси таълим дастурларига мувофиқ бўлган тест материалларини ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида таълим муассасаларига кираётган абитуриентларни тест синовларидан ўтказиш;

тест синови натижаларининг холисоналиги, ишончлилиги ва адолатлилигини таъминлаш;

таълим ва ўқитиши сифатини, тест баҳолари ва рейтинг балларининг холисоналигини текширишни ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимида банд бўлган педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш;

педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича таълим тизими раҳбар органлари ва маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функцияларини бажариш;

Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи сифатида нодавлат таълим муассасаларига лицензияларни расмийлаштириш;

педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар кадрларни, шунингдек таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш учун талаблар ва мезонларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш) тартиби амалга оширилишини ташкил этиш ва таъминлаш;

давлат таълим стандартлари ва давлат талабарини, шунингдек улар асосида таълимнинг барча турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун экспертизадан ўтказиш;

кадрлар тайёрлаш сифати мониторинги тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

республика ҳудудида хорижий таълим муассасаларининг таълим фаолиятини юритиши ҳуқуқига лицензиялар (рухсатномалар) беришда экспертиза ўтказиш;

Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

7. Марказ ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомларга таклифларни ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда тест синовлари натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади;

мураккаблик даражаси таълим дастурларига мувофиқ бўлган тест материалларини ишлаб чиқади ва улар асосида таълим муассасаларига кираётган абитуриентларни тест синовларидан ўтказади;

ўқувчилар ва талабалар билимларининг жорий ва якуний баҳоларини таҳлил қилиш асосида тест ва рейтинг балларининг холисоналигини, республиканинг барча таълим муассасаларида таълим, ўқитиш, ўқув режалари ва дастурлари сифатини баҳолайди ва Вазирлар Мажкамасига таклифлар киритади;

тест синовларидан ўтувчи шахслар учун ўқув-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқади ва нашр қиласди;

тест материалларини тайёрлаш ва тест синовларини ташкил этишда қатнашадиган шахсларни ўқитишни ва уларнинг малакасини оширишини амалга оширади;

жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида тест синовлари технологиясини такомиллаштиради;

тест материалларини ишлаб чиқишида ҳамда улардан фойдаланишда таълим муассасаларига ва бошқа муассасаларга маслаҳат ёрдами кўрсатади;

тест синовлари тартиботларини ўтказиш учун мўлжалланган тест материаллари мазмунининг маҳфийлигини сақлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини бажаради;

ташкilotлар ва муассасаларнинг буюртманомаларига биноан тест синовларини ўтказиш учун тўлов нормативларини ишлаб чиқади ва белгилangan тартибда тасдиқлайди;

таълим муассасаларидаги тест синовлари якунларини умумлаштиради ва ўқитиш сифатини такомиллаштириш ишларида фойдаланиш учун уларни манфаатдор вазирликлар ва идораларга юборади;

тест синовлари ўтказиш масалалари билан шуғулланувчи хорижий таълимни бошқариш органлари ва ташkilotlari билан бевосита алоқалар ўрнатади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимлари асосида улар билан ҳамкорликни амалга оширади;

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим тўғрисидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кадрлар тайёрлаш сифатига тааллуқли талабарининг бажарилишини белгилangan тартибда назорат қиласди;

аттестациядан ўтказиш ва кадрлар тайёрлаш сифатининг аҳволига доир масалалар бўйича мунтазам равишда эксперт хulosалари, ҳисоботлар, таҳлилий ва маъ-

лумотнома материаллар тайёрлайди ҳамда уларни ишда фойдаланиш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига, манфаатдор вазирликлар ва идораларга юборади;

педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар кадрларни, шунингдек таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жадвалларини тузади ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш устидан назоратни ташкил қиласди;

таълим муассасаларининг мақоми ва йўналишларини ўзгартириш, шунингдек ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган тартибда зарур таклифлар киритади;

идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, таълим муассасаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш, тугатиш) ҳамда уларнинг мақомими қайта кўриб чиқиши бўйича материаллар экспертизасини ва тегишли хуносалар тайёрлашни амалга оширади.

### **III. Марказнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

8. Марказ ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун кўйидаги ҳуқуқларга эга:

Марказга юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун вазирликлар, идоралар, таълим муассасаларидан зарур маълумотлар ва материалларни олиш;

таълим муассасалари раҳбарлари томонидан таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган бўйруқлар, фармойишлар ва бошқа қарорларнинг амал қилишини ўз ваколатлари доирасида тўхтатиб қўйиш;

таълим муассасаларида таълим ҳамда ўқувчилар ва талабаларни ўқитиши сифатини, таълимнинг барча турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларининг муовфикалигини белгиланган тартибда текшириш;

шартнома асосида илмий-методик ва ахборот консалтинг хизматлари кўрсатиш;

Марказга юклangan вазифаларни ҳал этиш учун олимлар, етакчи педагог-мутахassisлар ва хорижий эксперталарни жалб этиш, шунингдек ихтисослаштирилган, мақсадли ва вактинчалик илмий-тадқиқот гурухлари ва ижодий гурухлар ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида вазирликлар ва идоралар, ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш сифати муаммолари бўйича ҳалқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар ва ўйнишлар ишида иштирок этиш, шунингдек давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳамкорлик масалалари бўйича музокараларда қатнашиш.

9. Марказ абитетиентларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ўқув юртларига сифатли қабул қилиниши таъминланиши, мутахassisларни, таълимнинг барча турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини тайёрлаш сифати, республика таълим муассасаларида якуний тестлар ва рейтинг баҳоларининг холисоналиги назорат қилиниши учун жавоб беради.

10. Марказ ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажариш мажбурий бўлган нормативиҳукуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

Марказ, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан бирга қўшма қарорлар ва бошқа хужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

Марказ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Марказ ўзига юклangan вазифаларнинг самарали бажарилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

#### **IV. Марказ фаолиятини ташкил этиш**

12. Марказни қонун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошқаради.

Директорнинг икки нафар ўринбосари, шу жумладан директор ўринбосари — Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси бошлиғи бўлади.

Директор мақомига кўра Вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади.

Марказ директорининг ўринбосарлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда тайинланади.

13. Марказ директори:

Марказ ходимлари ва унинг ҳудудий вакиллари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқарди ва қўрсатмалар беради;

Марказ фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади;

Марказнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлади;

Марказ ваколатига киравчи масалалар бўйича қарорлар қабул қиласи ҳамда Марказга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

Директор қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси штатлари асосан илмий даражага, илмий-педагогик стажга ва камида 5 йил методик иш тажрибасига эга бўлган шахслар билан тўлдирилади.

15. Марказда 15 киши — Марказнинг директори, директор ўринбосарлари, бўлим раҳбарлари ва юқори малакали ходимларидан иборат таркибда Илмий-методик кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) ташкил этилади. Кенгашнинг шахсий таркиби директор бўйруғи билан тасдиқланади.

Кенгаш мазкур Низомга мувофиқ Марказга юклangan вазифаларни илмий ва норматив-хукукий таъминлашнинг асосий масалаларини кўриб чиқади.

Кенгаш қарорлари директор бўйруғи билан амалга оширилади.


16. Марказ аппарати тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

17. Мазкур Низомга ўзгаришилар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

18. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгилangan тартибда.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 24 июндаги 293-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест марказининг тузилмаси**



## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
 ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
 ҚАРОРИ

### **290 Биржа котировкалари (кимошди савдолари) ўртача нархларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
 22 июнда 1372-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 2 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Махсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юкори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига асосан **қарор қиласиз**:

1. Биржа котировкалари (кимошди савдолари) ўртача нархларни белгилаш тўғрисидаги қоидалар иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
 2004 йил 25 май,  
 77-сон

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
 2004 йил 25 май,  
 33-сон

**Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
 2004 йил 25 май,  
 01/24-32-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**291 Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс  
эттириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш  
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
22 июнда 1373-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 2 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 199-сонли «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 17-сон, 197-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғисидаги низомга мувофиқ **буюраман**:

1. Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кечик кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 12 май,  
74-сон

Молия вазирининг  
2004 йил 12 майдаги 74-сонли  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс  
эттириш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 199-сонли «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 17-сон, 197-модда) мувофиқ ишлаб чиқилган ва бухгалтерия ҳисобида лизинг ва ижара операцияларини акс эттиришнинг ягона услубий асосини белгилайди.

**1 §. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, (бюджет ташкилотлари, банклар ва кредит уюшмаларидан ташқари) барча хўжалик юритувчи субъектларга (кейинги ўринларда — корхона) тадбик этилади.

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

## 2 §. Лизингга берувчидаги лизинг операцияларининг ҳисоби

2. Лизинг объектларини сотиб олиш бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс этирилади:

а) лизинг объектлари уни сотиб олиш билан боғлиқ эгри солиқлар ва йиғимларни кўшган холда (агар улар қопланмаса) кирим қилинганда:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга оловчи счёtlар (0800);

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар» ёки 6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счёtlар» ёки турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга оловчи счёtlар (6900) ёки бошқа тегишли счёtlар;

б) лизинг объектларини сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга оловчи счёtlар (0800);

кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счёtlар», 6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счёtlар», турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга оловчи счёtlар (6900) ва бошқа тегишли счёtlар;

в) лизингга берувчи томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизингга оловчи томонидан қопланадиган лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли холга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга оловчи счёtlар (0800);

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашиларни (6700), суфурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга оловчи счёtlар ва бошқа тегишли счёtlар;

г) лизингга берувчи томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизингга оловчи томонидан қопланмайдиган лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли холга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар» счёti;

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашиларни (6700), суфурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга оловчи счёtlар ва бошқа тегишли счёtlар;

д) мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа хизмат кўрсатган корхоналар олдидағи қарзларнинг тўланиши (копланиши):

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар», 6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счёtlар», турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга оловчи счёtlар (6900) ва бошқа тегишли счёtlар;

кредит пул маблағларини ҳисобга оловчи счёtlар.

3. Агар лизинг шартномасининг шарти бўйича лизинг объекти сотувчи томонидан лизингга берувчини четлаб бевосита лизингга оловчига етказиб берилса, лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида лизинг объектининг кирими ва чиқими лизинг объектининг ҳаракатини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

4. Агар лизинг шартномасининг шарти бўйича лизингга берувчи томонидан лизинг объекти сотиб олинган бўлса, лекин лизингга оловчи қатор сабабларга кўра уни қабул қилишдан бош тортса, мазкур лизинг объекти, ундан фойдалангунга ёки

чиқиб кетгунга қадар капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800) да ҳисобга олиниади.

5. Агар минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг обьектининг жорий қийматидан паст бўлса, лизинг лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олиниши керак.

6. Агар минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг обьектининг жорий қийматидан юқори бўлса, лизинг лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида лизинг обьектининг жорий қиймати бўйича тан олиниши керак.

7. Лизинг обьектлари лизингга берилганда, лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймат билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ кечикирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва лизингта берувчининг даромади ҳисобланишига қараб бир меъёрда (ойма ой) асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (бошқа операцион харажатлари) га олиб борилади.

Агар лизинг обьекти лизингга берилгунга қадар лизингга берувчи томонидан қайта баҳолангандан бўлса, лизинг обьектини лизингга бериш вактида кечикирилган даромад (харажат) лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймат билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида резерв капиталини ҳисобга олувчи счёtlарда қайд килинган лизинг обьектининг қайта баҳолаш натижаси (қолдиги) ни, яъни мазкур лизинг обьектини олдинги баҳолашлардаги қиймат кўпайиши суммасининг олдинги баҳолашлардаги қиймат пасайиши суммасига нисбатан ортган суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

8. Лизинг обьектларининг лизинг шартларига мувофиқ лизингга берилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг обьектларини лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймати бўйича лизингга берилиши:

дебет 0920 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёti;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёti;

б) лизинг обьектларининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёti;

кредит капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);

в) лизинг обьектининг қайта баҳолаш натижаси (қолдик) суммасига:

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёti;

г) лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектларини лизингга беришда кечикирилган даромадлар юзага келганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёti;

кредит 7230 «Бошқа узок муддатли кечикирилган даромадлар» счёti;

д) лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектларини лизингга беришда кечикирилган харажатлар юзага келганда:

дебет 0990 «Бошқа узок муддатли кечикирилган харажатлар» счёti;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёti;

9. Лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектларини лизингга берилишида вуждуга келган кечикирилган даромадлар ва кечикирилган харажатларни ҳисобдан чиқариш қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ, лизинг шартномаси бўйи-

ча лизинг объектларини лизингга берилишида вужудга келган узок муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7230 «Бошқа узок муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти;  
кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

б) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишидаги кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми молиявий натижаларга ўтказиб хисобдан чиқарилиши:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;  
кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти;

в) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ, лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишида вужудга келган узок муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти;  
кредит 0990 «Бошқа узок муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти;  
г) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишидаги кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми молиявий натижаларга ўтказиб хисобдан чиқарилиши:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;  
кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.

10. Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти хисобланган корхоналар, жорий даврга тегишли бўлган лизингга берувчининг хисобланган даромади суммаси (лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ) бухгалтерия хисобида қўйидагича акс эттиради:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар» счёти;  
кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти.

11. Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти хисобланмаган корхоналар, жорий даврга тегишли бўлган лизингга берувчининг хисобланган даромади суммаси (лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ) бухгалтерия хисобида қўйидагича акс эттиради:

дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти;  
кредит 9550 «Узок муддатли ижарадан даромадлар» счёти.

12. Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти хисобланган корхоналарда лизингга олувчидан лизинг тўловлари келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия хисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ лизинг бўйича олинадиган узок муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти;  
кредит 0920 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;

б) лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчиidan пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини хисобга олувчи счёtlар;  
кредит 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар» счёти;

в) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга олувчиidan бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини хисобга олувчи счёtlар;  
кредит 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

г) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келганда лизингга олувчиidan олдин олинган бўнаклар қоплашга (хисоблашишга) олинганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;  
 кредит 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти;  
 кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар» счёти.

13. Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти хисобланмаган корхоналарда лизингга олувчидан лизинг тўловлари келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ лизинг бўйича олинадиган узок муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти;

кредит 0920 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;

б) лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

кредит 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти;

кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти;

в) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга олувчидан бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

кредит 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

г) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келганда лизингга олувчидан олдин олинган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашишга) олинганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

кредит 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти;

кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти;

14. Лизинг шартномаси тугагандан кейин лизингга олувчи томонидан лизинг объектларининг қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);

кредит 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти;

б) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини яхшилаш харажатларини лизингга берувчи томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счёtlар (6900);

в) лизинг шартномасига мувофиқ лизингга берувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини қайtариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суфурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счёtlар ва бошқа тегишли счёtlар;

г) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини яхшилаш харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счёtlар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

15. Лизингга олувчи томонидан лизинг объектларининг муддатидан олдин қайtарилиши бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномасига мувофиқ лизинг тўхтатилган санадаги лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);  
 кредит 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти — жорий қисми;  
 кредит 0920 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти — узок муддатли қисми;

б) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг обьектларини яхшилаш харажатларини лизингга берувчи томонидан қоплаш учун тан олиниши:  
 дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);  
 кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счёtlар (6900);  
 в) лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектларини лизингга берилишидаги кечикирилган даромадларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиб ҳисобдан чиқариш:  
 дебет 6230 «Бошқа кечикирилган даромадлар» счёти — жорий қисми;  
 кредит 7230 «Бошқа узок муддатли кечикирилган даромадлар» счёти — узок муддатли қисми;  
 кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти;  
 г) лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектларини лизингга берилишидаги кечикирилган харажатларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиб ҳисобдан чиқариш:  
 дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;  
 кредит 3290 «Бошқа кечикирилган харажатлар» счёти — жорий қисми;  
 кредит 0990 «Бошқа узок муддатли кечикирилган харажатлар» счёти — узок муддатли қисми;  
 д) лизинг шартномасига мувофиқ лизингга берувчи томонидан амалга оширилган лизинг обьектини қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиб ва бошқалар) суммасига:  
 дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;  
 кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счёtlар ва бошқа тегишли счёtlар;  
 е) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг обьектини яхшилаш харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:  
 дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счёtlар (6900);  
 кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар.

### **3 §. Лизингга олувчида лизинг операцияларининг ҳисоби**

16. Агар минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг обьектининг жорий қийматидан паст бўлса, лизинг лизингга олувчининг бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олиниши керак.

17. Агар минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг обьектининг жорий қийматидан юқори бўлса, лизинг лизингга олувчининг бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида лизинг обьектининг жорий қиймати бўйича тан олиниши керак.

18. Лизинг шартномаси бўйича олиб келинган лизинг обьектлари бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) лизинг обьектларини лизингга олувчининг бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида тан олинадиган қиймати бўйича кирим қилиш:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);

кредит 7910 «Тўланадиган узок муддатли ижара» счёti;

б) лизинг объектларини белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли холга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счёtlар ва бошқа тегишли счёtlар;

в) лизинг объектларини бошланғич қиймати бўйича фойдаланишга топширилиши (уларни асосий воситалар таркибиغا ўтказилиши):

дебет 0310 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёti;

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800).

19. Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счёtlар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 счёtlар ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб бошқа счёtlар);

кредит 0299 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёti;

б) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ишли ҳолатда саклаш (жорий, ўртача ёки капитал таъмирлаш ва бошқалар) билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счёtlар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 счёtlар ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб бошқа счёtlар);

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счёtlар ва бошқа тегишли счёtlар.

20. Лизинг бўйича фоизларни ҳисоблаш ва лизингга берувчига лизинг тўловларини тўлаш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ лизинг бўйича узок муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7910 «Тўланадиган узок муддатли ижара» счёti;

кредит 6950 «Узок муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёti;

б) лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар суммасига:

дебет 9610 «Фоиз қўринишидаги харажатлар» счёti;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёti;

в) лизингга берувчига лизинг тўловларининг жорий қисми тўланганда:

дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёti;

дебет 6950 «Узок муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёti;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

г) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга берувчига бўнак тўланганда:

дебет 4330 «Бошқа берилган бўнаклар» счёti;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

д) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) га мувофиқ тўлов муддати келганда лизингга берувчига олдин тўланган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашишга) олинганда:

дебет 6920 «Хисобланган фоизлар» счёти;  
 дебет 6950 «Узок муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти;  
 кредит 4330 «Бошқа берилган бўнаклар» счёти.

21. Лизинг обьектини яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асобоб ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуроллантириш ва бошқа) харажатлари суммаси, лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар кийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида бухгалтерия хисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) капитал қўйилмалар амалга оширилганда:

дебет 0860 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счёти;

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан хисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счёtlар ва бошқа тегишли счёtlар;

б) капитал қўйилмаларни асосий воситалар таркибига ўтказилганда:

дебет 0112 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти;

кредит 0860 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счёти;

в) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга эскириш ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счёtlар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 счёtlар ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб бошқа счёtlар);

кредит 0212 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти.

22. Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришни қайта баҳолаш бухгалтерия хисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) баланс қиймати кўпайганда (баҳоси ошганда):

дебет 0310 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти;

дебет 0112 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти;

кредит 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

б) баланс қиймати камайганда (баҳоси пасайганда) олдинги қайта баҳолаш суммаси (кўпайган баҳоси) даражасида:

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 0310 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти;

кредит 0112 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти.

Лизинг шартномаси бўйича олинган мазкур асосий воситани қайта баҳолаш натижасида баҳоси пасайиши суммасининг олдинги қайта баҳолаш (кўпайган баҳо) дан ортган қисми харажат сифатидан тан олиниди ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади;

в) эскириш суммасининг кўпайиши (баҳоси ошганда):

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 0212 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти;

кредит 0299 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти;

г) эскириш суммасининг камайиши (баҳоси пасайғандা):

дебет 0212 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти;

дебет 0299 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти;

кредит 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти.

Лизинг шартномаси бўйича олинган мазкур асосий воситанинг жамғарилган эскириши қайта баҳолаш натижасида, унинг баҳоси пасайиши суммасининг олдинги қайта баҳолаш (кўпайган баҳо) дан ортган қисми даромад сифатидан тан олиниди ва 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счётида акс эттирилади.

23. Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни лизингга олувчи-нинг мулкига ўтиши бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хусусий асосий воситалари таркибиغا ўтказилганда:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0100 — асосий воситаларнинг турлари бўйича);

кредит 0310 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошлан-нич (қайта тиклаш) қийматига;

кредит 0112 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланнич (қайта тиклаш) қийматига;

б) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хусусий асосий воситалар таркибиغا ўтказилганда, улар бўйича жамғарилган эскириш суммасини ўтка-зиш (кўчириш):

дебет 0299 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар бўйича жамғарилган эскириш суммасига;

дебет 0212 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти — лизинг шартномаси бўйича олин-ган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича жамғарилган эскириш суммасига;

кредит асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счёtlар (0200 — асо-сий воситаларнинг турлари бўйича);

в) лизинг шартномаси бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдигини тўлаш:

дебет 6950 «Узок муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти — жорий қисми;

дебет 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счёти — узоқ муддатли қисми;  
кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

24. Лизингга берувчига лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтарилиганда бухгалтерия ҳисобида қўйидаги ёзувлар амалга оширилади:

а) бошланнич (қайта тиклаш) қийматига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 0310 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошлан-нич (қайта тиклаш) қийматига;

кредит 0112 «Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланнич (қайта тиклаш) қийматига;

б) жамғарилган эскириш суммасига:

дебет 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар бўйича жамғарилган эскириш суммасига;

дебет 0212 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти — лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича жамғарилган эскириш суммасига;  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш қийматининг лизингга берувчи томонидан қопланадиган суммасига:

дебет 4890 «Бошка дебиторлар қарзлари» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

г) лизинг шартномаси бўйича олинган мазкур асосий воситалар объектини қайта баҳолаш натижаси (колдик) суммасига:

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

д) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) бўйича асосий қарзнинг қопланмаган колдиги суммасига:

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти — жорий қисми;

дебет 7910 «Тўланадиган узок муддатли ижара» счёти — узок муддатли қисми (лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қайтарилиган холларда);

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

е) лизинг шартномасига мувофиқ лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан хисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счёtlар ва бошка тегишли счёtlар;

ж) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтаришдан фойда кўрилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

з) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтаришдан зарар кўрилганда:

дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

и) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича харажатларни қоплаш учун лизингга берувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

кредит 4890 «Бошка дебиторлар қарзлари» счёти.

#### **4 §. Кейинги лизинг бўйича мулкни сотишнинг ҳисоби**

25. Лизингга берувчига мулкни сотиш ҳисоби сотувчининг бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли бўйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти

(21-сон БХМС) «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» га (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2002 йил 23 октябрь рўйхат рақами 1181-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси» 2002 й., 20-сон) мувофиқ амалга оширилади.

Кейинчалик лизинг ҳисоби лизингга олевчи ва лизингга берувчида мазкур Низомда ўрнатилган тартибда юритилади.

### **5 §. Узоқ муддатли ижара ҳисоби**

26. Асосий воситалар узоқ муддатли ижарага берилганда ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймат билан асосий воситанинг бошлангич (агар берилаётган обьект фойдаланилмаган бўлса) ёки қолдик (агар обьект ижарага беришгача фойдаланишда бўлса) қиймати ўртасидаги фарқ суммаси резерв капиталини ҳисобга олевчи счёtlарда қайд қилинган лизинг обьектининг қайта баҳолаш натижаси (қолдиги) ни, яъни мазкур лизинг обьектини олдинги баҳолашлардаги қиймат кўпайиши суммасининг олдинги баҳолашлардаги қиймат пасайиши суммасига нисбатан ортган суммасини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилгандан сўнг кечикирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва ижара тўловларининг ҳисобланишига қараб бир меъёрда (ойма ой) асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (бошқа операцион харажатлари) га олиб борилади.

27. Асосий воситаларнинг узоқ муддатли ижара шартларига мувофиқ ижарага берилиши ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- а) асосий воситаларни ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймати бўйича ижарага берилиши:  
дебет 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёti;  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёti;
- б) асосий воситаларнинг бошлангич (қайta тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилганда:  
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёti;  
кредит асосий воситаларни ҳисобга олевчи счёtlар (0100);  
в) асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:  
дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олевчи счёtlар (0200);  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёti;
- г) ижарага берувчи томонидан амалга оширилган ижара обьектини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун ярокли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар суммасига:  
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёti;  
кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суфурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олевчи счёtlар ва бошқа тегишли счёtlар;
- д) мазкур асосий воситалар обьектини қайta баҳолаш натижаси (қолдик) суммасига:  
дебет 8510 «Мулкни қайta баҳолаш бўйича тузатишлар» счёti;  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёti;
- е) узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни ижарага берилишида кечикирилган даромадлар юзага келганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;  
 кредит 7230 «Бошқа узок муддатли кечикирилган даромадлар» счёти;  
 ж) узок муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни ижарага берилишида кечикирилган харажатлар юзага келганда:

дебет 0990 «Бошқа узок муддатли кечикирилган харажатлар» счёти;  
 кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;  
 Кейинчалик узок муддатли ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби ижарага берувчида мазкур Низомнинг 2 § да кўрсатилган тартибда юритилади.  
 28. Узок муддатли ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби ижарачида худди лизингга олувчида гидек мазкур Низомнинг 3 § да ўрнатилган тартибда юритилади.

### **6 §. Қисқа муддатли ижара ҳисоби**

29. Қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ижарачида балансдан ташқари счёт ҳисобланган 001 «Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счётининг дебетида, ижарага берувчида эса асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади.

30. Қисқа муддатли ижара билан боғлиқ операциялар ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситаларга эс-кириш ҳисобланганда:  
 дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;  
 кредит асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счёtlар (0200);  
 б) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда жорий даврга тегишли бўлган ижара тўловлари (ижара тўловлар жадвали (тартиби) га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ) ҳисобланганда:  
 дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар» счёти;  
 кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти;  
 в) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда жорий даврга тегишли бўлган ижара тўловлари (ижара тўловлар жадвали (тартиби) га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ) ҳисобланганда:  
 дебет 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;  
 кредит 9350 «Қисқа муддатли ижарадан даромадлар» счёти;  
 г) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижара тўловларининг келиб тушиши:  
 дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;  
 кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар» счёти;  
 д) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижара тўловларининг келиб тушиши:  
 дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;  
 кредит 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;  
 е) ижара тўловлари жадвали (тартиби) га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати келмаган ижара тўловлари бўйича бўнак келиб тушганда:  
 дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;  
 кредит 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;  
 ж) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда ижара тўловлари жадвали (тартиби) га ёки қисқа муддатли ижара шарт-

номасига мувофиқ тўлов муддати келганда ижарабидан олдин олинган бўнакларни қоплашга (хисоблашишга) олинганда:

дебет 6390 «Бошка олинган бўнаклар» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар» счёти;

з) қисқа муддатли ижара бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижара тўловлари жадвали (тартиби) га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати келганда ижарабидан олдин олинган бўнакларни қоплашга (хисоблашишга) олинганда:

дебет 6390 «Бошка олинган бўнаклар» счёти;

кредит 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;

и) ижараби томонидан амалга оширилган қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш харажатларининг ижара берувчи томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0100);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счёtlар (6900);

к) ижараби томонидан амалга оширилган қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счёtlар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

31. Қисқа муддатли ижара билан боғлиқ операциялар ижарабининг бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) ижара тўловлари ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счёtlар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 счёtlар ва қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб бошка счёtlар);

кредит 6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара» счёти;

б) ижара берувчига ижара тўловлари тўланганда:

дебет 6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара» счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

в) ижара тўловлари жадвали (тартиби) га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати келмаган ижара тўловлари бўйича бўнак тўланганда:

дебет 4330 «Бошка берилган бўнаклар» счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар;

г) ижара тўловлари жадвали (тартиби) га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати келганда ижараба берувчига олдин тўланган бўнакларни қоплашга (хисоблашишга) олинганда:

дебет 6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара» счёти;

кредит 4330 «Бошка берилган бўнаклар» счёти;

д) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар амалга оширилганда:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашиларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счёtlар ва бошка тегишли счёtlар;

е) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтарилиганда капитал қўйилмаларни ҳисобдан чиқариш:

дебет 9220 «Бошка активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0800);

ж) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ях-

шилаш бўйича капитал қўйилмалар қийматининг ижарага берувчи томонидан қопланадиган суммасига:

- дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти;
  - кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;
  - з) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларнинг берилишидан фойда қўрилганда:
    - дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;
    - кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;
    - и) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларнинг берилишидан зарар қўрилганда:
      - дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;
      - кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;
      - к) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар кийматини қоплаш учун ижарага берувчидан пул маблағлари келиб тушганда:
        - дебет пул маблағларини хисобга оловчи счёtlар;
        - кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти.
- Қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтариб берилганда балансдан ташқари счёт хисобланган 001 «Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счёти кредитланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

## **292 Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БХМС) «Ижара ҳисоби»- ни тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
22 июнда 1374-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 2 июлдан кураги)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БХМС) «Ижара ҳисоби» иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 сентябрда 45-сон билан тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БХМС) «Лизинг ҳисоби» (1998 йил 16 октябрь, рўйхат рақами 503-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 6-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

### **Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 12 май,  
75-сон

Молия вазирининг  
2004 йил 12 майдаги 75-сонли  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БХМС) «Ижара ҳисоби»**

Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС), «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142 модда), «Лизинг тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 108 модда, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2003 й., 3-сон, 63-модда) асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

#### **1 §. Умумий қоидалар**

1. Мазкур БХМС нинг мақсади бўлиб ижара операцияларини бухгалтерия ҳисобида юритиш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг ягона услубий асосини аниқлаш (белгилаш) ҳисобланади.

2. Мазкур БХМС қўйидаги обьектлар ва операцияларга қўлланилмайди:

- а) табиат ресурслари, шу жумладан нефть, газ ва бошқа қайта тикланмайдиган ресурсларни қидирув ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижара келишувлари;
- б) ер майдонлари ижараси;
- в) интеллектуал мулк обьектлари бўйича лицензия келишувлари.

#### **§ 2. Мазкур БХМС да фойдаланиладиган асосий атамалар**

3. Мазкур БХМС нуқтаи назаридан ижара қўйидагиларга бўлинади:

- а) лизинг (молиявий ижара);
- б) узоқ муддатли ижара;
- в) қисқа муддатли ижара.

4. Лизинг (молиявий ижара) — ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизингга олувчининг) топширифига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мulkни (лизинг обьектини) мулк килиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизингга

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизинг шартномаси қўйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

- а) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизингга олувчи-нинг мулки бўлиб ўтса;
- б) лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги колдик қиймати унинг бошлангич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;
- в) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизингга олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда эвазини тўлаб сотиб олиш хукуқига эга бўлса, бунда ана шу хукуқни амалга ошириш кунидаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;
- г) лизинг шартномаси амал қиласиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса.

5. Узоқ муддатли ижара — ижарага берувчи ижаракига ҳақ эвазига мол-мулкни 12 ойдан кам муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш хукуқини берадиган келишув.

6. Қисқа муддатли ижара — ижарага берувчи ижаракига ҳақ эвазига мол-мулкни 12 ойдан кам муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш хукуқини берадиган келишув.

7. Иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг) — ижараки (лизингга олувчи) ижарага берувчи (лизингга берувчи) нинг розилиги билан, ижарага берувчи (лизингга берувчи) нинг олдида ижара (лизинг) шартномаси юзасидан жавобгарликни сақлаган ҳолда ижарага олинган мулкни (лизинг объектини) бошқа шахсга иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг) га топширадиган шартнома муносабати.

8. Ижара (лизинг) объектлари — истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай буюмлар (ашёлар), шу жумладан корхоналар, мулкий комплекслар, алоҳида бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк (муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулклар бундан мустасно).

9. Ижара муддатининг бошланиши — ижара шартномасининг шартларига мувафиқ ижараки ижарага олинган ижара обьектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш хукуқини амалга оширишни бошлаган сана. Бу ижарани дастлабки (бошлангич) тан олиш санаси (яъни ижарани амалга ошириш натижасида тегишли актив ва мажбуриятларнинг тан олиниши).

10. Ижара муддати — бекор қилинмайдиган ижара келишуви амал қиласиган давр, шунингдек ҳар қандай кейинги даврлар бўлиб, бу даврлар мобайнида ижараки ижара шартномаси тузилганда айтиб ўтилгандек, мазкур келишувни узайтириши мумкин.

11. Лизинг тўловлари — лизингга берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисмини, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларини лизингга олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизингга берувчининг даромадидир.

12. Лизингга берувчининг даромади — лизинг тўловлари билан лизинг объектини сотиб олиш, уни етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аникланадиган, лизингга берувчи томонидан лизинг операциясини амалга ошириш натижасида оладиган даромадидир.

13. Ижара (лизинг) объектларининг жорий қиймати — ижара (лизинг) объектларининг муайян бир санадаги бозор баҳолари бўйича қиймати ёки мазкур ижара объектини сотиб олиш ёки ушбу битимни амалга оширишни хоҳловчи бир-бирига

карам бўлмаган хабардор томонлар ўртасидаги мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма.

14. Кафолатланган қолдиқ қиймат — ижара шартномасининг бошланишида аниқланган ижара обьекти қийматининг бир қисми бўлиб, ижарачи томонидан ёки унга боғлиқ учинчи тараф томонидан кафолатланади (мажбурият қилиб беркитилади).

15. Кафолатланмаган қолдиқ қиймат — ижара обьекти (ижара шартномасининг бошланишида аниқланган) қийматининг бир қисми бўлиб, унинг сотилишини ижарага берувчи кафолатламайди ёки у ижарага берувчи билан боғлиқ тараф томонидангина кафолатланган.

16. Минимал лизинг тўловлари — лизингга олувчи томонидан лизинг муддати давомида тўланадиган лизинг тўловлари ва лизинг обьектининг кафолатланган қолдиқ қиймати суммаси.

Агар лизингга олувчи лизинг обьектини уни сотиб олиш санасидаги жорий қийматидан паст нархда сотиб олмокчи бўлган ҳолларда минимал лизинг тўловлари бутун лизинг муддати давомидаги лизинг тўловлари ва лизинг шартномасида кўзда тутилган лизинг обьектини сотиб олиш суммасидан ташкил топади.

17. Дисконтлаш — келажакда аниқ бир вақтда олиниши кутилаётган пул маблағларининг жорий эквивалентини аниқлаш.

18. Дисконт ставкаси — вақтнинг ҳар хил пайтига тааллукли бўлган пул суммаларини бир вақтга (пайтга) келтиришда фойдаланадиган ставка.

19. Минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати — лизинг шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ёки қарз сармоясининг ўсиб борувчи фоиз ставкасига teng дисконт ставкаси бўйича тузатилган лизинг муддатининг бошланишидаги минимал лизинг тўловларининг жорий қиймати.

20. Лизинг шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси — бу лизинг муддатининг бошланишида лизинг обьектининг жорий қиймати ва қўйидаги миқдорлар: минимал лизинг тўловлари ва кафолатланмаган қолдиқ қиймати суммасининг дисконтланган қийматининг teng бўлишини таъминлайдиган дисконт ставкасидир.

21. Қарз сармоясининг ўсиб борувчи фоиз ставкаси — бу худди шундай ижара шартномаси учун ижарачи тўлаши лозим бўлган фоиз ставкаси ёки (агар ушбу кўрсаткични аниқлаш имкони бўлмаса) ижарачи ижара муддати бошланишида молмulkни (худди шундай муддатга ва шунга ўхшаш таъминот билан) сотиб олиш учун зарур бўлган маблағларни қарзга олишда қабул қиласидаги ставка ёки агар уларни аниқлаш имконияти бўлмаса ижара муддатининг бошланишидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий қайта молиялаштириш ставкаси.

### § 3. Лизинг ҳисоби

22. Лизинг субъекти бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

а) лизингга берувчи — лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг обьектини мулк қилиб олувчи шахс;

б) лизингга олувчи — эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектини олаётган шахс;

в) сотувчи — лизингга берувчига лизинг обьектини сотаётган шахс.

Лизинг обьекти лизингга олувчининг кредити (қарзи) ҳисобидан олинаётган тақдирда, аниқ бир лизинг обьектига нисбатан лизингга берувчининг кредитори ва лизингга олувчи бир шахс тимсолида иш кўришига йўл қўйилмайди.

Лизингга берувчи лизинг обьектини бўлгуси фойдаланувчидан кейинчалик уни худди шу шахсга ижарага бериш учун сотиб олган ҳолларда, лизингга олувчи ва сотувчи бир шахс бўлишига йўл қўйилади.

23. Лизингда лизинг обьектига эгалик қилиш ва фойдаланиш хукуки билан боғлиқ барча таваккалчиликлар лизингга олувчига ўтказилади. Лизингга олувчининг бухгалтерия ҳисобида лизинг актив ва мажбурият сифатида лизинг муддати бошланишидаги лизинг обьектининг жорий қиймати ёки минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича, агар у паст бўлса, тан олиниши керак.

24. Минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблашда дисконтгайдиган омил бўлиб, лизинг шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ҳисобланади, агарда уни аниқлаш имконияти бўлса, акс ҳолларда лизингга олувчининг карз сармояси бўйича ўсиб борувчи фоиз ставкасидан фойдаланилади.

25. Лизинг муддатининг бошланиш вақтида лизингга олувчи ва лизингга берувчи лизинг тўловлари жадвали (тартиби) ни келишиб олади, унда лизингга берувчининг даромади, лизинг обьектининг қийматини қоплаш бўйича мажбуриятлар ва уларнинг лизинг муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

26. Лизинг бўйича фоизлар лизинг шартномаси давомида даврлар бўйича тақсимланган бўлиши ва ҳар бир даврда қопланмаган мажбуриятлар қолдигига доимий фоиз ставкасини ўрнатиш мақсадида лизинг тўловлари жадвали (тартиби)да акс эттирилиши керак.

27. Лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг обьектини сотиб олиш, етказиб бериш ёки белгилangan мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар лизинг обьектининг қийматига кўшилади.

28. Лизингга олувчининг лизинг обьектини яхшилаш (ободонластириш, қўшимча куриш, қўшимча асбоб ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуроллантириш ва бошқа) харажатлари лизинг обьекти қийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида акс эттирилади.

Агар лизинг обьекти, лизингга берувчининг рухсати билан яхшиланган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки шартнома бекор қилингач, лизингга олувчи ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларининг копланишини талаб қилиш хукуқига эга, агарда лизинг шартномасида ўзгacha шартлар кўзда тутилмаган бўлса.

Лизингга берувчининг рухсатисиз амалга оширилган лизинг обьектини яхшилашга сарфланган маблағлар (қўйилмалар) ва уларни лизинг обьектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имконияти бўлмаса, лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилингач, лизингга берувчига текинга ўтади. Бироқ, агарда уларни лизинг обьектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва агар лизингга берувчи уларнинг қийматини тўлашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда лизингга олувчи уларни ўзига ажратиб олиши мумкин.

29. Лизингда ҳар бир ҳисобот даври учун лизинг обьекти бўйича амортизация ажратмаси каби харажатлар юзага келади. Лизинг обьектлари бўйича амортизация ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли бўйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС 5-сон) «Асосий воситалар» га (2004 йил 20 январ, рўйхат рақами 1299-сон — Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 35-модда) мувофиқ амалга оширилади.

30. Лизингга олувчи лизинг шартномаси муддати тугагандан кейин лизинг обьектига мулкий эгалик қилиш хукуқини олишига ишончи бўлмаса, у ҳолда у куйидагилардан қайси бири қисқалигидан келиб чиқиб: лизинг шартномаси муддати давомида ёки лизинг обьектининг хизмат қилиш муддатида тўлиқ амортизация қилиши мумкин.

31. Аниқ бир даврдаги лизингга олувчининг лизинг обьекти бўйича амортизация ажратмаси ва молиявий харажатлари (лизинг бўйича фоизлари) суммаси мазкин.

кур даврда тўланиши керак бўлган лизинг тўловлари суммасига тенг бўлмаслиги мумкин.

32. Лизинг объектини йиллик қайта баҳолаш лизингга олувчи томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

33. Лизинг шартномаси тўхтатилганда лизинг объектини қайтариш, лизинг шартномасига мувофиқ лизинг тўхтатилган санадаги лизинг объектиning қопланмаган қиймати суммаси бўйича амалга оширилади.

Лизинг объектиning чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) лизинг объектиning қолдиқ (баланс) қиймати ва лизинг тўловлари жадвали (тартиби) бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ сифатида лизинг объектиning чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ҳисобга олган холда аниқланади.

Лизинг объектиning чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар)ни аниқлаганда, олдинги қайта баҳолашлардаги лизинг объекти қийматининг кўпайган суммаси, яъни олдинги баҳолашлардаги қиймат кўпайиши суммасининг олдинги баҳолашлардаги қиймат пасайиши суммасига нисбатан ортган қисми лизинг объектиning чиқиб кетишидан кўрилган даромад таркибига кўшилади ва бир вақтнинг ўзида «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти бўйича резерв капиталини камайтиради.

34. Лизингга берувчининг бухгалтерия ҳисобида лизинг актив (дебиторлик қарзи) сифатида лизинг муддати бошланишидаги лизинг объектиning жорий қиймати ёки минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича, агар у паст бўлса, тан олиниши керак.

35. Лизингга берувчининг даромади лизинг шартномаси муддати давомида даврлар бўйича тақсимланган бўлиши ва лизинг шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдигига доимий фоиз ставкасини ўрнатиш мақсадида лизинг тўловлари жадвали (тартиби) да акс эттирилиши керак.

36. Лизингга берувчи томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизингга олувчи томонидан қопланадиган лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни ярокли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар лизинг объектиning қийматига кўшилади. Бунда, агар лизинг шартномасига мувофиқ юкоридаги харажатлар лизингга олувчи томонидан қопланмаса, улар юзага келган пайтдаги тегишли ҳисобот даври харажатлари сифатида тан олинади.

37. Объектни лизингга бериш (олиш) вақтида лизингга берувчининг даромади (лизингга олувчининг лизинг фоизи бўйича харажатлари) бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

Бунда лизингга берувчининг даромади ва лизингга олувчининг лизинг фоизи бўйича харажатлари, пулни тўлаш вақти ва келиб тушишидан қатъи назар, тегишли ҳисобот даврларида лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ ҳисобланади.

38. Кейинги лизинг (қайтариувчи лизинг) шарти билан мол-мулкни сотишга доир битим, худди шу сотувчига уни кейинчалик лизингга қайтариш шарти билан мол-мулкни сотишни ўз ичига олади. Лизинг тўловлари ва сотиш нархлари одатда ўзаро боғлиқдир, чунки улар ҳақида ягона бир нарса сифатида келишиб оладилар ва улар учун лизинг объекти қийматини жорий нархларда тақдим этиш зарурати йўқ.

#### **§ 4. Узоқ муддатли ва қисқа муддатли ижара ҳисоби**

39. Узоқ муддатли ва қисқа муддатли ижаранинг субъектлари бўлиб қўйидаги лар ҳисобланади:

а) ижарага берувчи — мол-мулк эгаси ёки қонунчиллик ёки мулк эгаси томонидан мол-мулкни ижарага бериш хукуки берилган ваколатли шахс;

б) ижарачи — ижара шартномасига мувофиқ мол-мулкни ижарага олувчи юридик ва жисмоний шахс.

40. Узоқ муддатли ижараппинг тан олиниши ижарачи ва ижарага берувчининг бухгалтерия хисобида худди лизингдагидек амалга оширилади.

41. Қисқа муддатли ижарада, ижара обьектига эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган барча таваккалчиликлар ижаракида ўтмайди ва шунинг учун қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган ижара обьектлари ижаракининг балансида хисобга олинмаслиги керак.

42. Қисқа муддатли ижарада ижараки томонидан хисобланган ва тўланадиган ижара тўловлари, уларни фойдаланиш жойига (мақсадига) қараб маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархига ва (ёки) давр харажатларига олиб борилади.

43. Қисқа муддатли ижарада, ижарага берувчи томонидан хисобланган ва олинидиган ижара тушумлари даромад сифатида тан олиниади.

44. Ижара шартномасида ижара обьекти, ижара муддати тугаши ёки тугамасидан, агарда шартномада шартлашилган сотиб олиш нархининг барчаси ижараки томонидан тўланганда ижаракининг мулкига ўтиши кўзда тутилиши мумкин.

Агар шартномада ижара обьектини сотиб олиш кўрсатилмаган бўлса, у томонларнинг кўшимча келишуви билан ўрнатилиши мумкин, унда ижара обьектидан фойдаланиш учун олдин тўланган тўловлар сотиб олиш баҳосида хисобга олиниши хақида келишиш хукукига эга.

Ижара муддатининг тугаши ёки унинг тугагунига қадар шартномада кўзда тутилган сотиб олиш нархини ижараки томонидан тўлиқ киритилган ҳолда ва ижара обьектига эгалик қилиш хукуки унга ўтганда, у бухгалтерия хисобида ижаракининг мулки сифатида хисобга олиниши шарт.

45. Ижаракининг ижара обьектини яхшилаш (ободонлаштириш, кўшимча қуриш, кўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта куроллантириш ва бошқа) харажатлари ижара обьекти қийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида акс эттирилади.

Агар ижара обьекти, ижарага берувчининг руҳсати билан яхшиланган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки шартнома бекор қилингач, ижараки ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларининг қопланишини талаб қилиш хукукига эга, агарда ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса.

Ижарага берувчининг руҳсатисиз амалга оширилган ижара обьектини яхшилашга сарфланган харажатлар (қўйилмалар) ва уларни ижара обьектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имкони бўлмаса, ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилингач, ижарага берувчига текинга ўтади. Бироқ, агарда уларни ижара обьектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва агар ижарага берувчи уларнинг қийматини тўлашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда ижараки уларни ўзига ажратиб олиши мумкин.

## § 5. Маълумотларни очиб бериш

46. Молиявий хисоботларда ва унга тушунтириш хатида қўйидагилар очиб берилиши лозим:

а) молиявий хисоботни тақдим қилиш санасида ижара (лизинг) обьектлари хисобланган активлар қиймати тўғрисида маълумотлар. Мазкур ижара мулклари билан боғлиқ бўлган қарзлар (дебиторлик ёки кредиторлик) қисқа муддатли ва узоқ муддатлига ажратилган ҳолда бошқа қарзлардан алоҳида тан олиниши керак;

- б) умумлаштирилган шаклда лизинг бўйича лизинг тўловларига тааллуқли мажбуриятлар суммаси ва уларни тўлаш даври тўғрисидаги маълумотлар;
- в) салмоқли молиявий чекловлар, лизингни қайта тиклаш хукуқлари, лизинг объектларини харид килиш ва лизинг билан боғлик бўлган бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича маълумотлар;
- г) ҳар бир молиявий ҳисоботни тузиш санасига лизинг тўловларининг қолдиқ суммаси ва лизингга берувчининг даромади, шунингдек лизинг объектининг кафолатланган қолдиқ қиймати;
- д) лизинг даври учун қопланмаган мажбурият қолдигига доимий фоиз ставкасини олиш учун лизингга берувчининг даромади (лизинг бўйича фоизлар) ни таксимлашда фойдаланиладиган усул;
- е) молиявий ҳисобот тузиш санасида иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг) дан олиниши кутилаётган келгуси ижара (лизинг) тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотлар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ  
ҚАРОРИ**

**293 Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
22 июнда 1010-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 2 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақами имзо тўғрисида»ги Конуни, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуни 3, 7 и 51-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласди**:

1. «Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида»ги низомга (2001 йил 19 февраль, рўйхат рақами 1010-сон) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин ва унинг янги таҳрири иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 10 кундан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 12 май,  
10-А/3-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**294 Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
23 июнда 1122-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 3 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни 3, 7 ва 51-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 февралдаги 74-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувি қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга (2002 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1122-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартриш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 10 кундан кейин кучга кирилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 февраль,  
4 / 17-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНӢ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚӮМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**295 Республика театр ва томоша муассасалари биноларини чет ташкилотларга ижарага бериш ва ижара ҳақини белгилаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
23 июнда 1375-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 3 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 45-модда, 1993 й., 9-сон, 329-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 1289-1290-моддалар), «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати КТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) ва «Тошкент шаҳрининг концерт заллари ва саройларини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 30 январдаги 43-сон (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 44-модда) қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги ва Молия вазирлиги қарор қиласди:

1. Республика театр ва томоша муассасалари биноларини чет ташкилотларга ижарага бериш ва ижара ҳақини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 апрель,  
01/06-09-сон

**Маданият ишлари вазири Б. ҚУРБНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 апрель,  
1-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 апрель,  
65-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**296 Республика театр ва томоша муассасаларида чипталар бўйича ишларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
23 июнда 1376-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 3 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг концерт заллари ва саройларини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 30 январдаги 43-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 44-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси театр ва томоша муассасаларида чипталар бўйича ишларни юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 апрель,  
01/06-10-сон

**Маданият ишлари вазири Б. ҚУРБНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 апрель,  
2-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**25 (109)-сон**

**— 69 —**

**296-модда**

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 апрель,  
66-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 апрель,  
255-В-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги маълум қилади:  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
2004 йил 19 июндан 25 июнгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Биржа котировкалари (кимошди савдолари) ўртача нархларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг 2004 йил 25 майдаги 77, 33, 01/24-32-сон қарори.

**2004 йил 22 июнда 1372-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 2 июлдан кучга киради).**

2. «Бухгалтерия хисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 74-сон буйруғи.

**2004 йил 22 июнда 1373-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 2 июлдан кучга киради).**

3. «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БХМС) «Ижара ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 75-сон буйруғи.

**2004 йил 22 июнда 1374-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 2 июлдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 12 майдаги 10-A/3-сон қарори (янги таҳрир).

**2004 йил 22 июнда 1010-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 2 июлдан кучга киради).**

5. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 4/17-сон қарори.

**2004 йил 23 июнда 1122-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 июлдан кучга киради).**

6. «Республика театр ва томоша муассасалари биноларини чет ташкилотларга ижарага бериш ва ижара ҳақини белгилаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Маданият ишилари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2004 йил 23 апрелдаги 01-06-09, 1, 65-сон қарори.

**2004 йил 23 июнда 1375-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 июлдан кучга киради).**

7. «Республика театр ва томоша муассасаларида чипталар бўйича ишларни юритиши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўймитаси, Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 23 апрелдаги 01-06-10, 2, 66, 255-В-сон қарори.

*2004 йил 23 июнда 1376-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 июлдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (6-сон БХМС) «Лизинг хисоби» (16.10.1998 й., рўйхат рақами 503). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

*Адлия вазирининг 2004 йил 22 июндаги 143-мҳ-сон буйруги билан реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат янги норматив-ҳуқуий ҳужжат қабул қилиниши мусабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

